XALQ DEPUTATLARI XIVA TUMANI KENGASHI
QARORI

220911, Xiva tumani, Shomoxulum mahallasi, Tinchlik ko‘chasi, 121-uy

2022 - yil 30 - avgust VI-69-98-12-176-K/22 Xiva tumani hokimligi

Ўзбекистон Республикасининг “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги қонунига мувофиқ Хива туманидаги мавжуд номлари давлат рўйхатидан ўтмаган 4 та қабристонларга ном бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Географик обйектларнинг номлари тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012-йил 16-октабрдаги 295-сон “Географик обйектларнинг номлари то‘г‘рисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ географик обйектларнинг номлари соҳасидаги ишларни тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан халқ депутатлари Хива туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Географик объектларга ном бериш ва уларни қайта номлаш тўғрисидаги таклифларни давлат экспертизасидан ўтказиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги эксперт комиссиясининг 2022 йил 4 августдаги йиғилиш баёни маълумот учун қабул қилинсин.

2. Туманда номлари тасдиқланаётган қабристонларнинг рўйхати 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ушбу қарордан бир нусха маълумот ва ижро учун Хива тумани Ички

ишлар бўлими, туман ободонлаштириш бошқармаси, туман статистика бўлими, туман Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими ва бошқа манфаатдор ташкилотларга юборилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари Хива туман Кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал соха ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссияси зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси **Raximberganovich M. X.**

Xalq deputatlari Xiva tuman
Kengashining
2022 yil 30 avgustdagi
VI-69-98-12-176-K/22-son qaroriga
1-ilova

Туманда номлари тасдиқланаётган 4та қабристонларнинг рўйхати

Т/р	Географик объект тури	Жойлашган манзили	Географик объект номи	Таклиф қилинган номлар	изох
1	қабристон	Серчали МФЙ	Эшон бобо 1	Хазрати Надир бобо	Маҳаллий аҳолини берган маълумотига кўра шу ҳудудда яшаб ўтган шайхнинг номи билан аталган. Халқ орасида Хазрати Надир номи билан машҳур бўлган.
2	қабристон	Гандимён МФЙ	Бектемир бобо 1	Маткаримбобо	Маҳаллий аҳолининг маълумотига кўра бу шахс тўғрисида аниқ маълумотига йўқ.
3	қабристон	Хорвуз МФЙ	Ғойиб бобо 1	Ирдимизон бобо	Маҳаллий аҳолининг маълумотига кўра ирдимзон сўзини маьноси Урдимезон сўзидан келиб чиқган. Ривоят қилишларча қадимда мезон ойи кирганда Абдулла шайх бобо фарзандлари билан бир кеча дам олиш учун йўл бўйида ухлаб қолади ва эрталаб турса иккита фарзанди ўлик холда бўлади.Абдулла бобо фарзандларини мезон урди.урдимезон деб шу ерга дафн килади ва Урдимезон сўзи келиб чиқади.
4	қабристон	Дашёқ МФЙ	Ғойиб ота 2	Юсуфхўжа	Маҳаллий аҳолини айтишича бу шахс тўғрисида аниқ маълумотига йўқ